


ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

СИФАТИ ЮҚОРИ,
ТАННАРХИ АРЗОН

Самарканд шаҳридаги "Стеклопластик" очик акциядорлик жамиятида таълим ва тиббиёт муас-
сасалари учун тайёрланаётган мебель жиҳоз-
лари ва спорт анжомла-
ри харидорлиги би-
лан ажралиб туради.
— Мамлакатимизда са-
ноатни ривожлантириш,
махаллийлаштириш дас-



турини ҳаётга татбиқ этиш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда, — дейди корхона раҳбари Икром Хасанов. — Бунинг самарасини корхонамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Аҳамиятли томони шундаки, хомашёнинг асосий қисмини юрти-
миздаги ҳамкор корхона ва ташкилотлардан ола-
япмиз. Бу эса маҳсулот сифатининг юқори, тан-
нарининг арзон бўлиши-
ни таъминламоқда.
Жамиятда, шунингдек, маҳаллийлаштириш дас-
турига мувофиқ Самар-
канд автомобилъ заводи-
да ишлаб чиқарилаётган "Исузу" автобуслари учун олд бампер, решётка ва торпедо қисмлари тайёр-
лаб берилмоқда.
Ёшлар йилида корхона тендер таъновлари якунига кўра, 354 та мактаб ва 65 та касб-хуна-
р коллежини ме-

беллар билан жиҳоз-
лашни ўз зиммасига олган. Ҳозиргача маҳсулотларнинг асосий қисми буюртмачиларга етказиб берилди.
Суратларда: техник назорат бўлими бошлиғи Абдусаттор Номозов; таъминот бўлими ишчилари Сарвиноз Ҳамидова ва Надежда Зюбена.

Тоҳир НОРҚУЛОВ
(ЎзА) олган суратлар.

ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

24 ва 26 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

"Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси А.Шукров тақдим этди. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг батафсил муҳокамасидан кейин депутатлар Қонунчилик палатаси Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Умарова "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сўғуртаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Ҳужжатнинг модда-модда муҳокамаси чоғида сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари сузга чиқдилар. Қонунчилик палатаси киритилган тақлифлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қўйишга қарар қилди.

"Миллий музей фонди ва музейлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси О.Исаев тақдим этди. Ҳужжат ҳар томонлама муҳокама қилинди. Муҳокама чоғида депутатлар ҳужжатни тақдимлаштиришга қаратилган барча тақлифларни кўриб чиқдилар. Қонунчилик палатаси Қонунчилик палатаси қўйишга қарар қилди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси З.Убайдуллаев "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси қўйишга қарар қилди. Қонунчилик палатаси қўйишга қарар қилди. Қонунчилик палатаси қўйишга қарар қилди. Қонунчилик палатаси қўйишга қарар қилди.

Депутатлар Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Хотамовнинг маърузаси бўйича "Қўтқарув хизмати ва қўтқарувчи мақоми тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур ҳужжатнинг модда-модда муҳокамаси чоғида депутатлар томонидан қонун лойиҳасининг айрим нормаларини тақомиллаштиришга қаратилган тақлифлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқишни 2008 йил 1 июлда давом эттиради.

(ЎзА)

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

унда бир нечта қонун лойиҳалари муҳокама қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Адолат" СДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан қўйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Тўхташев маъруза қилди. Таъкидланганидек, амалдаги Жиноят кодексида жиноятни қасддан яширганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи махсус норма мавжуд эмас эди. Шу сабабли ЖҚнинг 16-моддаси янги 241/1-модда билан тўлдирилди. Ушбу модда хизмат юзасидан жиноятга оид аризалар ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс жиноятни қасддан ҳисобдан яширганлиги учун жавобгарлиги назарда тутилди. Нотиқ лойиҳадаги шу ва шу каби бошқа ўзгариш ҳақида қўшимчалар жиноят ишларини тергов қилишда қўйишга қаратилган қонунчиликни таъминлашга хизмат қилишини эътироф этди.

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига қўшимча киритиш ҳақидаги қонун "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айнаси, хотин-қизлар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳақида унга қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Байноамия ратификация қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳам биринчи ўқишда фракция аъзолари томонидан кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар инсон манфаатлари, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Одам савдосидан азият чеккан фуқароларни қўллаб-қувватлаш эса бу борада чора-тадбирларнинг муҳим қисми саналади, — деди фракция аъзоси Собир Турсунов. — Айни пайтда чет давлатлардаги одамфурӯшлар тузоғига тушган фуқароларни Ватанга қайтариш, реабилитация ва ижтимоий ҳимояга олишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунда юқорида қайд этилган ҳужжатга аъзо давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг мустақамлашгани муҳим аҳамият касб этди.

Фракция йиғилишида Худойберк Маматов, Мамит Асқаров, Ойша Охунова, Зухра Ботирова ва бошқа депутатлар ҳам қонун лойиҳалари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Муҳокама чоғида қонун лойиҳаларини янада тақомиллаштириш билан боғлиқ тақлиф ва тавсиялар айтилди.

Фракциянинг навбатдаги йиғилишида, шунингдек, "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қўшилиши тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қизгин муҳокама қилинди.

Йиғилишда айтилганидек, Ўзбекистоннинг мазкур Конвенцияга қўшилиши миллий давлатчилигимиз негизларини мустаҳкамлаш, жамиятини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, барқарор тараққиёт кафолатини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиёти ўсиш суръатини таъминлаш билан бирга, турмуш фаровонлигини юксалтиришдек мақсадларга хизмат қилади.

Йиғилишда қонун лойиҳаси мамлакат ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши алоҳида эътироф этилган ҳолда уни маъқуллашга қарар қилинди.

Фарҳод ЭСОНОВ, "Адолат" муҳбири.

Бугун — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Ҳозирги даврда матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай қудратли қўлга айланимқоқда, ўз келажагини ўйлайдиган ҳар қайси халқ ва миллат буни сезмаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмас. Шу сабабли ҳам оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, матбуот ва суз эркинлиги принципларини амалда таъминлашга эришиш, матбуотда танқид руҳини кучайтириш биз учун энг муҳим мақсадлардан бири бўлиб қолимоқда.

Ислом КАРИМОВ

ПАРТИЯ НАШРИ:

СОҒЛОМ РАҚОБАТ МАЙДОНИ
ВА ЖУРНАЛИСТ ПОЗИЦИЯСИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши аъзолари, партия фаоллари ва газетамиз ижодий жамоасининг Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги очик мулоқотлари хусусида

Даставвал шунга таъкидлаш жоизки, Қашқадарё вилоятида иқтисодий-ижтимоий ислохотларни амалга оширишда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг иштироки салмоқли аҳамият касб этмоқда. Бугун вилоятда 50 дан ортиқ турли даврий нашрлар, телевидение ва радио каналлари, интернет тармоқлари мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини кенг тарғиб этишда, фуқароларнинг эркин фикр ва ташаббусларини юзга чиқаришда, жамоат ҳақида нодавлат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлашда, муҳими, юрт тақдири учун сафарбарлигини таъминлашда журналистлар ижодий маҳоратининг янги қирраларини намоён этмоқдалар.

Аслида, Қашқадарёда мамлакат иқтисодиётида муҳим стратегик аҳамиятга молик қўллаб-қувватлаш фаолият юритаётгани, агро-саноат тармоқлари, хусусан, галлачилик ва пахтачилик изчил ривожланиётгани, қурилиш-обodonчиликлар доираси кенгайиб бораётгани назарда тутиш, одамларнинг ишга нисбатан муносабати, кайфияти, нечоғлиқ зарур аҳамият касб этишини аниқлаш қийин эмас. Шу босис, мамлакатимиз Президентининг Қаш-



қадарё вилоятига сафари давомида ислохотлар жараёнидаги тажриба ва ташаббуслар, одамларга яратилган шарт-шароитлар, раҳбарлигининг масъулияти алоҳида таъкидланди.

Вилоятда бошқарувнинг барча бўғинларида рўй бераётган ва юзга келиши лозим бўлган янгиликларни ҳақиқатан ҳам демократик ўзгаришларни ҳисобга оладиган бўлса, матбуотнинг ҳоли ва ҳаққоний сўзи, жамоатчилик фикри қандай таъсир қўйиши эга эканлигини дарров тушуниш мумкин. 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси очилди.

Унда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох этиш ҳақида модернизациялаш вазифаларини изчиллик билан ҳал қилишда муҳим роль ўйнайдиган қатор қонунлар ва масалалар парламент юқори палатаси аъзолари томонидан муҳокама этилади.

Ялпи мажлис арафасида, 2008 йил 26 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Мухитдиновнинг ўн тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишга доир ишлар юзасидан ахборотини тингладилар ҳамда маълумот учун қабул қилдилар.

Қўмита раислари навбатдаги ялпи мажлис муҳокамасига киритиш мўлжалланаётган қонунлар юзасидан хулосалар, бошқа масалалар юзасидан эса қарорлар тайёр эканлигини маълум қилдилар, ялпи мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг вазифаларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

ИСТИҚЛОЛ
ИСТИҚБОЛИ

юксак салоҳият эгалари қўлида

Халқимизнинг муқаддас орзу-истаги, хоҳиш-иродаси бўлиб келган истиқлолимизга, аждодларимиз орзиқиб кутган, интилган Ўзбекистонимиз мустақиллигига ҳам 17 йил тўлмоқда.

Ҳар йили мустақиллик байрами нишонлаш арафасида оддий ва табиий бир савол туғилаверади: "Илк мустақиллик йилидан бугунги кунгача ўтган вақт кўпми ёки камми?". Назаримда, ушбу саволнинг жавоби унга қай томондан ёндашишга боғлиқ; агар инсоннинг ўртача умрини инобатга олсак, бу вақт оз эмас, агар унга тарих нуктаи назаридан қарасак, бу жуда кичка вақт! Аммо нима бўлганда ҳам 17 йил жамиятда гло-

бал микёсдаги ислохотларни режаллаштириш ва амалга ошириш учун жуда камдир. Ҳамма гап ана шунда!

Кези келганда айтиш жоизки, мустақилликка эришишимизнинг ўзи бўлгани йўқ. Миллий маданиятимиз, қадрият ва аъёнларимиз пой-девор бўлган мустақиллигимизга мустаҳкам иродали, ўзининг изчил позициясига эга, халқ манфаатини энг олий қадрият деб билган қатъиятли йўлбошимиз —

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда)

Дунёда миллатлар, элатлар сони мингдан зиёд. Аммо ўз миллати номи билан давлат барпо этган халқлар сони 200 дан ортиқ эмас. Шунинг билан олаёган бўлса, мустақил Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлигини билан ҳар қанча фахрлансақ арзийди. Таъкидлаш кераки, ҳар қандай давлат халқ манфаатларидан, маънавий-маданий руҳиятидан, мероси ва тарихий эҳтиёжларидан келиб чиққан ва миллий асосда қурилган ҳолдагина мустақил бўлади, барқарор ривожланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳар бир йўналишдаги фаолият давлатимизнинг Бош Қомуси – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилганидек, фақат инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари учунгина хизмат қилмоқда. Бу борадаги сайёҳаракатлар 17 йил ичида ўзининг сезиларли самарасини бермоқда.

Энг машаққатли, серташвиш ва таҳлилки даврларда, илк мустақиллик йилларида Ўзбекистон раҳнамолигида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида қўрилган чоралар (истеъмолчиларга субсидиялар бериш ва истеъмол бозорини асосий озиқ-овқат товарларининг мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишидан ҳимоя қилиш, ижтимоий зиддиятлар келиб чиқишининг олдини олиш) аҳолининг даромадлари даражаси бўйича кескин табақаланишининг олдини олди. Фуқароларга ўз турмуш фаровонлигини яхшилашлари учун кенг имкониятлар яратиб берилди, айниқса, ўша пайтлар учун жуда қўл келган хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес қўллаб-қувватланди.

Жамиятнинг энг муҳим, шу билан бирга, кичик ва асосий бўлини бўлиши оилани, оналик ва болалар ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Оналар ва болалар ўлимининг камайишига, ўртача умрнинг узайишига, мамлакат миқёсида жиноятчиликни камайитиришига эришилди.

Шу боисдан ҳам, мана, 17 йилдирки аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз сиёсатда марказий ўринини эгаллаб келмоқда. Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Бу борадаги сайёҳаракатларимизда илк мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дас-

тури тўғрисидаги Президент Фармони ҳам мустақам пойдевор, ҳам ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Соҳада бошланган ислохотлар қўламини кенгайтириш ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида қабул қилинган Президентимизнинг "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармонлари бўйича соғлиқни сақлаш тизимини барча бўғин ва йўналишларида амалга оширилаётган ислохотлар бугун-

лари аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Жорий йилнинг 19 июнь куни матбуотда эълон қилинган "Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги Президент қарори мазкур масалага давлатимиз томонидан жиддий эътибор қаратилаётганининг яна бир далили бўлди.

Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармонида

эга бўлган буюк аждодлари, балки замонавий ёшлари, истиқболнинг муносиб ворислари туфайли ҳам шухрат қозонмоқда.

Маданият ва маънавият соҳасида юксак марралар эгалланди: миллий театр, ўзбек кино санъати, ўзбек спорти, болалар ва аёллар спорти борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Бугунги кунда сафи тобора кенгайиб бораётган чемпионларимиз жаҳонга танилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон нафақат ички, балки ташқи сиёсатда ҳам ўзининг аниқ, мустақил позициясига, ўз стратегиясига эга эканлигини исботлади. Президентимиз Ислам Каримовнинг

намоён бўлмоқда. Хозирги кунда мамлакатимизнинг самолётсозлик, автомобилсозлик, оғир ва рангли металлургия, кон-тоғ металлургияси, кимё-технология, қишлоқ ҳўжалиги ва енгил саноат соҳаларидаги муваффақиятлари билан ҳақли равишда фахрлансақ арзийди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг аксарияти тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, ривожлантиришга бағишлангани бугунги кунда катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлди. Давлатимизда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсишига, унда хусусий сектор улушининг ортиб боришига, ҳорийжий инвестицияларни жалб этишининг кўпайишига, тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юкиннинг камайишига боришига эришмоқдамиз.

Демократия – инсоннинг эрки ва иродасини, хоҳиш ва истагини белгилайдиган мезон экан, уни шакллантириш жараёнида аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маданий жиҳатларини, савиясини, дунёқарашини эътиборга олиш шарт, деб ўйлайман. Шу ўринда, мустақиллик йилларида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлиги сезиларли даражада ошганлигини ҳам эътироф этиш жоиз. Бугунги кунда жамиятимиз аъзоларининг дунёқараши, уларнинг атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабати 17 йил аввалгисидан анча фарқ қилади. Бугунги кун фуқароси мустақил фикрлашни афзал қўлади.

Мустақиллик шарофати билан атиги 17 йил ичида барча жаҳонларда юртимизда амалга оширилган ишларни санаб, адоғига етиш мумкин эмас. Фақат шундай қисқа хулоса қилиш мумкин: шукрлар бўлсинки, турмушимиз борган сари фаровонлашмоқда, мустақиллик бизга ўзигизимизни, тилимизни, динимизни, Ватанимизни қайтариб берди, ўзигизимизни, қадриятларимизни ҳурмат қилишни ўргатди.

Озод ва обод юртимизни асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиз. Зеро, давлатимизнинг қудрати – барчамизнинг салоҳиятимизда, жамият тараққиётига қўшаётган хиссамиздадир.

ЗУХРА БОТИРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнғичлик палатаси депутаты,
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда)

Маъқуллаш мўлжалланаётган қонунлар орасида Ўзбекистон Республикасининг айрим халқаро шартномаларга қўшилиши тўғрисидаги ҳужжатлар алоҳида ўрин тутди. "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги ҳамда "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолар ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг маъқуллаши инсон ҳуқуқ ва эркинликлари изчил асосда пухта ҳимоя этилишини таъминлаш, демократик ислохот-

ларни чуқурлаштириш, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислохотларни умум эътироф этилган халқаро принциплар ва стандартларга жавоб берадиган тарзда чуқурлаштириш йўлига мамлакатимиз тарафдор эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди, деб айтилди. Таъкидланганидек, ана шу халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиш Ўзбекистон Республикасининг бу соҳадаги халқаро ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Мажлисларда сенаторларнинг 2008 йилнинг ўтган давридаги ишлари яқунлари ҳам қўрилди ва Сенат қўмиталари фаолиятини янада такомиллаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

ИСТИҚЛОЛ ИСТИҚБОЛИ

юксак салоҳият эгалари қўлида

ги кунда ўз натижаларини бермоқда. Уларнинг муваффақиятли давом эттирилишида тизимда яратилган қўнғичлик базасининг хиссаси бекиёсдир. Бугунги кунда тиббиёт тизимининг олдини олиш тартибига солиб келаётган соҳага оид Ўзбекистон Республикасининг ўн иккита қонуни амал қилмоқда.

Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш механизми принципал жиҳатдан қайта қўриб чиқилиб, замон талаб ва эҳтиёжларидан, маҳаллий шарт-шароитлардан, фуқароларнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда, янгича тарзда ташкил этилди. Соҳадаги ислохотлар туфайли эски тоталитар тузумнинг узок 70 йил ичида бажарилмаган ишлар атиги 17 йил ичида амалга оширилди. Энг чекка қишлоқларда ҳам аҳолига олий маълумотли шифокор томонидан дастлабки малакали тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида замонавий қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди. Уларнинг сони бугунги кунда 3,1 мингдан ортиб кетди. Шунингдек, ислохотлар натижаси ҳисобланган Республика шовилинч тиббий ёрдам маркази, туман ва шаҳарлардаги иختисослаштирилган вилот шифохоналари ва бўлимлардан ҳамда тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат янги тизим, республикамизнинг аксарият вилотлари марказларида туғма ногиронлигининг олдини олишга иختисослашган замонавий Скрининг хизмати марказ-

биноан, юқори малакали замонавий тиббий хизматни йўлга қўйиш мақсадида мамлакатимизда тиббиёт соҳасининг яна 6 та муҳим йўналиши бўйича иختисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари (акушерлик ва гинекология маркази, педиатрия маркази, терапия ва тиббий реабилитация маркази, дерматология ва венерология маркази, фтизиатрия ва пульмонология маркази, эндокринология марказининг ташкил этилган фуқароларимизнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишдек Конституциявий ҳуқуқини (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси) таъминлашга хизмат қилиши аниқ.

Истиқлол шарофати билан юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар таълим тизимини ҳам четлаб ўтмади. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури яратилди ва унинг босқичма-босқич амалга оширилиши йўлга қўйилди; Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди; барча ҳудудлардаги талаб ва эҳтиёжлар инobatга олинган ҳолда замонавий академик лицейлар ва турли йўналишдаги касб-ҳунар коллежлари қўриб ошга туширилди, ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

Ўзбек фарзандлари дунё мамлакатларининг энг нуфузли ўқув юрталарида таҳсил олиш бахтига муяссар бўлмоқдалар. Миллатимиз нафақат юксак интеллектуал салоҳиятга

фақат Марказий Осиёда эмас, балки бутун жаҳонда, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, терроризмга, диний экстремизм ва фундаментализмга, гиёҳвандлик ва бошқа иллатларга қарши кураш борасида алоҳида хиссаси бориши бугунги кунда тан олинган чин ҳақиқатдир.

Инсоннинг жамиятдаги ўрни, аввало, унинг ўз салоҳиятини амалга ошириш имкониятига боғлиқ. Фуқаролари салоҳиятини амалга ошириш имкониятини яратадиган давлат тараққиётига эриша олмайди. Шу боисдан, юртимизда инсонларнинг жамиятнинг демократлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнида бевосита иштирок этишлари, мамлакатда кечаётган барча воқеа-ҳодисалардан бохабар бўлишлари, дахлдорлик хисси билан яшашларини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш, органларига жуда катта имкониятлар ва имтиёзлар яратиб берилди.

Интеллектуал салоҳият ҳар қандай жамиятни ҳаракатлантирувчи асосий омиллардан биридир. Бу борада ҳам, мамнуният билан таъкидлаш жоизки, юрдошларимизнинг ақл-заковати Ўзбекистон шаънини янада юксакликка кўтармоқда. Олимларимизнинг имкониятлари жаҳондаги нуфузли, илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юрталари билан ҳамкорликдаги фаолиятларида, тажрибалар алмашинувида, турли жаҳонларда улар томонидан амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишларида, кашфиётларида

"Ғалла – 2008"

ҲОСИЛ МЎЛ, ЭЛ РИЗҚИ БУТУН



Шу кунларда Самарқанд вилояти ғаллазорларида ўрм-йғим ишлари қизғин түс олган. Дон ортилган автомобильлар хирмонларга тинимсиз қатнаб турибди. 106 минг 300 гектар майдонда ғалла етиштирган вилот фермерлари ҳар қуни гектар бошига 55-60 центнердан дон йиғиштириб олмақдалар. Ўрм-йғимга бўлтургидан ҳафта – ўн кун барвақт киришди.

Яна шунинг таъкидлаш жоизки, бу йил ғалладан ғалла уруғчилиги тубдан яхшиланди. Аксарият фермер ҳўжаликлари "Москвичка", "Краснодар-99", "Крошк" сингари серхосил ва касалликка чидамли навларни маҳаллий шароитларда парваришлаб, қўзлаган мақсадларига эриша олдидлар. Мўлжалланган 570 минг тонналик хирмоннинг салкам 30 минг тоннаси уруғлик бўлди ва арпа бўлиши кутилмоқда.

Ҳозир ғаллазорларда 242 та қомбайн юқори унум билан ишламоқда. Илгор ўрм отрядлари ҳар беш кунда муносиб рағбатлантириш борилаяпти. Пешқадамлар сафида Пахтачи, Нарпай, Самарқанд ва Оқдар туманлари ғаллакорлари боришмоқда.

Т. ЗОХИРОВ,
«Адолат» мухбири.



Суратларда: вилот ғаллакорларининг қайноқ меҳнат лаҳзаларида лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.

ЖИПСЛИҚДА САМАРА БОР

Партиямиз платформасининг мустақамлиги, сафимизнинг жипслиги бевосита ёшлар билан боғлиқ. Бинобарин, бугунги кунда вилотдаги партия аъзоларининг 85 фоизини ёшлар ташкил қилади.

Вилот партия Кенгаши қошида ташкил қилинган "Ёшлар қаноти" тузилмаларида 2500 нафар талаба ёшлар бирлашган. Улар иштирокида кам таъминланган оилалар, олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида таҳсил олаётган имконияти чекланган ёшлар ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳолидан хабар олинмоқда. Масалан, яқинда партиянинг вилот ва Бойсун тумани Кенгашлари ҳамкорлигида бу ердаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига хайрия дастурхони ёзилди. Шу билан бирга, Шўрчи туманидаги "Нуробод" фермер ҳўжалиги, "Бо-

ботоғ", "Бўстон" маҳаллаларида ҳам худди шундай хайрия тадбирлари ташкил қилинди. Бу тадбирларда кам таъминланган оила фарзандларига ҳамда ногирон болаларга партиямиз номидан эсдалик совғалари топширилди.

Албатта, ишимизнинг сифат ва самарадорлиги кўп жиҳатдан шахар ва туман Кенгашлари котибларининг ташкилотчилиги ҳамда фаоллигига боғлиқ. Бунинг тўғри аниқланган ҳолда, улар иштирокида турли семинар ва тадбирлар ташкил этилмоқда. Бу эса ўзаро таърибга алмашишга яхши хизмат қилаётди. Хуллас, ҳар ишда жипслик бор жойда, албатта самара бўлади. Шу боис доимо ҳамфикр, ҳамжиҳатликда фаолият юритаямиз.

Раимқул ЧОРШАНБИЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сўрхондарё вилоти Кенгаши биринчи котиби.

"НЕКСИЯ"ДАГИ ҒАРОЙИБ САВДО

Қонунни билмаслик ҳар қандай кишини қилган жинояти учун жазодан сақлаб қола olmayди. Чирчилик М.Ашилова ва С.Муминовлар ҳам энди қилган но-жўя ишларидан пушаймон, албатта. Бирок...

Ғап шундаки, икковлон шахардаги деҳқон бозори ҳудудда турган "Нексия" автомашинасида ноконуний валюта олди-сотиқсини бошлаб юборишди. Улар биргаликда 2200 АҚШ долларини 2 миллион 992 минг сўмга Г.Олдошовага сотаётган пайтда хуфёна савдога департамент ходимлари "нуқта" қўйишди.

Қонунбузарларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан айблов

эълон қилинди. Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар суди эса мазкур жиноий иш бўйича инсонпарварлик тамойилларига қўра иш қўрди. А.Ашилова ва С.Муминовга нисбатан қўзғатилган жиноят иши ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми билан ҳаракатдан тўхтатилди.

Кези келганда, бўлим ходимлари томонидан аҳоли ўртасида қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари кенг йўлга қўйилганини айтиб ўтиш жоиз.

Улдубек УМАРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВЖЖЛҚК департаменти Чирчиқ шаҳар бўлими бошлиғи.

Бугун — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

(Давоми. Бошлангич 1-бетда)

Китоб туманининг "Минг-чинор" ҳордиқ масканида партия фаоллари, тадбиркорлар, маданият ходимлари ва кўплаб оммавий ахборот нашрлари вакиллари, тележурналистлар иштирокида ўтказилган семинар-тренинг фойдали тақдирларга, қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Тадбир иштирокчилари ҳузурда дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, "Адолат" СДП фракция аъзоси Собир Турсунов Президент Ислон Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китоби асосида матбуот олдига турган долзарб вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Ватан тақдирдан ҳамиша бохабар кишиларнинг ибратли ҳаёти, маънавиятидан кўплаб мисоллар келтирилган асар юртдошларимизда ана шундай юксак туйғу ва ғуқаролик кўникмаларини шакллантиришга интилаётган журналистлар учун муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилиши мумкин, деди маърузачи. Чунки матбуот жамиятда демократик ўзгаришларнинг кўзгуси, эзгу одат ва қадриятларнинг тарғиботчиси, ислохотларнинг жарчиси бўлмоғи лозим.

Партия матбуоти бугун қандай қиёфа касб этиши зарур, деган саволга депутат шундай жавоб қайтарди:

— Партия матбуоти, аввало, ахборот тўплаш ва етказиш тартибини такомиллаштириши зарур. Агар биз сиёсий рақобат бўлаётганда зарур маълумотлар ва аниқликларни тарғиб этишда озгина кечиксак, мавқеимиз сусаяди. Чунки ҳалқимиз сиёсий соҳада бўлаётган ислохотлар ва воқеа-ўзгаришларни қабул қилишга тайёр. Ҳамма гап аниқликларни ҳозиржавоблик билан етказишда. Ахир, биз билан рақобат шариоатида ишлаётган барча партияларнинг ўз нашрлари бор. Ташаббусни улар олиб кетишлари мумкин.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, "Адолат" газетаси ходимларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш, уларнинг сиёсий ахборотлар билан ишлаш кўникмаларини янада кучайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Бунинг яна бир сабаби шундаки, "Адолат" СДПнинг



Қонунчилик палатасидаги фракцияси низоҳатда сермаҳсул иш олиб бормоқда. Фракция мамлакат тараққиётига бевоқифа дахлдор ўнлаб қонунларни яратишда ташаббускор бўлди. Демак, журналистларимиз парламент фаолиятини ёритишда зарур ҳуқуқий ва касбий маҳоратга эга бўлишлари талаб этилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши котиби Худойёр Маматовнинг демократик ислохотларни қўллаб-қувватлашда матбуотнинг ўрни ва нуфузи ҳақидаги фикрлари ҳам семинар иштирокчилари эътиборини тортди.

— Демократия озгизга келган гапни айтиш ва қўнғилга сикқан ишни қилиш эмас, балки жамият олдига масъулиятни сезиш, умумэтироф этилган меъёрлар ва қонунларга ҳурмат билан қарашни аниқлаш, — деди у. — Бизнинг жамиятимизда демократияга ҳушёр кўз билан қараётганимизга эса катта маъно бор. Чунки биз асрлар давомида таркиб толган аниқликларнинг, юксак маънавиятнинг давомчиларимиз. Инсон қадри, эркинликларни у яшаётган Ватаннинг орномуси, қадриятлари билан белгиланади. Демак, бу борада матбуотнинг вазифаси аниқ, сўзи ёниқ бўлиши керак.

— Оммавий ахборот воситаларининг жамиятни ислох этишдаги ҳуқуқ-ваколатлари катта, — деди "Адолат" газетаси бош муҳаррири Холтура Шафатов. — Ҳамма гап ана шу имкониятлардан юксак касбий маҳорат билан мала-

иборат партия гуруҳлари фаол иш олиб бораётганими? Улар бошқарувни янгилашга қай даражада таъсир кўрсатишяпти? Ижро ҳокимиятининг хатти-ҳаракатлари устидан назорат ўрната олишганими? Афсуски, бу каби саволлар ўз аксини толган тахлилий мақолалар камроқ учраяпти.

Семинар-тренингда журналист касбий маҳорати ва тажрибасини намоён этиш нима учун керак, деган саволга лўнда жавоб қайтарилди. Жамиятдаги ислохотлар ҳар битта ғуқаронинг ҳаётий манфаатларига қай даражада таъсир кўрсатаётганлигини журна-

лист позициясидан туриб билимдонлик билан тахлил қилиш учун! Ҳўш, журналистикада малака ва тажриба қардан пайдо бўлади, деган савол эса қизгин баҳс-мунозараларни келтириб чиқарди. Айримлар журналистни қайта ўқитиш, ҳатто халқаро малака ошириш курсларига жалб этиш, матбуотнинг бирор-бир муаммосига оид семинар-тренингларни мунтазам ташкил этиш ва ҳоказо тадбирлар яхши самара беришини таъкидлади. Шунингдек, журналистнинг эркин фаолият юритиши, ахборот олиш ҳуқуқларидан

тўла фойдаланиши касбий маҳоратни шакллантиришда ўзига хос омил эканлиги ҳам алоҳида ўқитиб ўтилди.

Очиғи, журналист ҳаётини ўрганиши, одамлар ўртасига қўқур кириб бориши, раҳбар-мутахассислар билан баҳслашиши керак. Шундагина у саводли ёза олади. Аммо баъзан айрим қорхона, ташкилотлар маъмурияти муҳбирни ўз муаммоларига аралаштиришни лозим топишмайди. Журналистни хабардор қилсак, муносабатларимизга зиёни тегади, деган ўй-хавотирда юришади. Бундай муносабат тўфайли газета



нинг тақлиф, танқидлари ўринлими?

Давлат санитария эпидемиология назорати маркази ходими Боймурод Баротовни мунозараларга тортди.

— "Адолат" газетасини кўпдан бўён ўқиб бораман, — деди у. — Рўзнома саҳифаларида иқтисодиётимиз ва маънавиятимиз билан боғлиқ масалаларга кўпроқ ўрин ажратилган. Енгил-елли материаллар кам учрайди. Бироқ "Журналист суриштируви"

руқнида ўқир, ҳозиржавоб мақолалар мунтазам ёритилишини истардим. Чунки матбуотнинг энг катта вазифаси ҳаётимизни иллатлардан тозалаш, манманлик, тўрачилик, таъмағирчилик ва лоқайдликларга қарши курашишдан иборат, деб биламан.

Қашқадарё вилояти давлат телевидениеси муҳбири Тўлқин Тўрақуловнинг фикрича, тележурналистлар сиёсий мавзуларни ёритишда, айниқса, "Адолат" партиясининг фаолиятини тарғиб

этишда газетамиз ижодий жамоаси билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Зеро, биргаликда мушоҳада юритишга, тахлил қилишга арзидиган мавзулар кўп.

"Адолат" СДП Қашқадарё вилояти Кенгашининг иккинчи котиби Аъзам Каримовнинг таъкидлашича, сиёсатда ҳеч қачон танаффус бўлмайди. Парламентда ёки маҳаллий Кенгашларда депутатлик ўрни учун сайлов-

лардан кейин ҳам янги мавқега эга бўлиш учун тарғиботни сусайтирмаслик лозим. Амалдаги депутатлар фаолияти кенг ёритилишининг ўзи ҳам сиёсий партиялар учун энг яхши реклама. Вилоят партия Кенгаши аъзоларининг аксарияти ҳуқуқшунос, адвокатлар бўлгани сабабли дастурий гоёларни халққа етказишда қийналмаяпмиз. Чунки улар матбуот билан яқин ҳамкорлик ўрната олишган.

Ҳадемай янги сайловларга тайёргарлик бошланади. Ҳозир партия Кенгашлари депутатликка номзодларни танлаш, уларнинг сиёсий малакасини ошириш устида иш олиб бормоқдалар. Партия-мизнинг бош наشري — "Адолат" газетаси бу борада ижодий тақлифлар билан чиқади ва бизни қўллаб-қувватлайди, деган умиддаман.

Хуллас, ижодий жамоамизнинг Қашқадарёдаги учрашуви ҳар томонлама фойдали бўлди. Унда ҳар бир мулоқот матбуотнинг таъсирчанлигини оширишга, жамият ҳаётидаги жараёнларга зийрак нигоҳ солишга, ғуқароларнинг ҳуқуқ-манфаатларини муносиб ҳимоя қилишга қаратилди. Ва, бу борада нодавлат, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар билан яқин алоқа ўрнатиш зарурлиги таъкидланди.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
Қамол АЛЛАЕВОВ,
Беҳбуд БОТИРОВ,
"Адолат" муҳбирлари.


ПАРТИЯ НАШРИ:

СОҒЛОМ РАҚОБАТ МАЙДОНИ ВА ЖУРНАЛИСТ ПОЗИЦИЯСИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши аъзолари, партия фаоллари ва газетамиз ижодий жамоасининг Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги очик мулоқотлари хусусида

кали фойдаланишда. Газетамизда партия ҳаёти ўзининг изчил ифодасини топаётгани, сиёсий руқнларда халқаро ҳаётга доир ўқимишли мақолалар чоп этилаётгани яхши, албатта. Бироқ партия матбуотига қўйилаётган талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳали қилишимиз зарур бўлган ишлар кўп.

Биргина мисол. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган Конституциявий Қонун лойиҳа ҳолида матбуотда кенг ёритилди, муҳокама қилинди. Ниҳоят кўнча қиритилди. Лекин ана шу қонун асосида жойларда қандай ўзгаришлар бўлаяпти? Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида депутатлардан



муҳбири ёки тележурналистнинг ахборот олиш ҳуқуқлари чегараланиб қолапти.

— Шу боис, матбуот билан алоқани ҳеч қачон чегаралаб қўймаслик керак, — деди семинар-тренингда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, фракция аъзоси Абдулла Абдуназаров. — Чунки ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш, аслида бошқарув ва ижро ҳокимиятида шаффофликни таъминлаш, матбуот орқали жамоатчилик назоратини қарор топтириш билан баробар.

Партия газетасининг қиёфаси ҳақида ижодий жамоа аъзолари-ю муассислар фикрларини айтишди. Семинар-тренингда иштирок этган қашқадарёлик ҳамкасблар, оддий муштарийлар, партия фаоллари-чи? Улар-

ТОШКЕНТ СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

**Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари кун**
**муносабати билан барча журналистлар,
матбуотчиларни қизгин қутлайди.**
**Заҳматли, ўта масъулиятли ва
шарафли ишингизга ҳамиша
омад ёр бўлсин!**

**КУЧ-ҒАЙРАТ, ШИЖОАТ ВА ЖЎШҚИН ИЛҲОМ
СИЗЛАРНИ АСЛО ТАРК ЭТМАСИН,
АЗИЗ ҚАЛАМКАШЛАР!**

ФАРҒОНА СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ



**Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари
ходимларини
касб байрамлари
билан чин қилган
табриклади.**



**Соҳа ходимларига оилавий бахт-
саодат, ишларида улкан
ютуқлар тилаймиз.
Байрамингиз муборак бўлсин!**

Тарих

Қадимшунос олимлар эски Термизнинг қалъа қисмида олиб борилган қазилма ишлари ва ёзма тарихий манбаларга асосланиб, шаҳарга миллоддан аввалги биринчи мингйилликнинг ўрталарида асос солинган, деган фикрни илгари суришган. Шунингдек, қўна Термиз тарихимиздаги буюқ давлатлар — Сўғдиёна, Хоразм, Марғиёна ва Парфия билан алоқалар ўрнатгани ҳам тарихдан маълум. Айниқса, эраимиздан олдинги III ва эраимизнинг II асрларигача давом этган қушонлар ҳукмронлиги даврида Термиз дунёнинг энг гуллаган шаҳарлардан бирига айланган. Бу даврда Термиз ва умуман, қадимий Бактрияда темирчилик ва қимёнинг айрим соҳалари ривожланган.


Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан тарих суронларидан омон чиққан бу беэавол шаҳар равақига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва саяё-ҳаракатлари билан Термиз ва унинг атрофидаги тарихий меъморий обидалар қайта тикланди. Таъбир жоиз бўлса, истиқлол туғайли Термизга бир замоналардаги шон-шавкати қайтиб келди.

Бу қуёшли шаҳар азалдан илму маърифат аҳлининг макони саналган. Тарихда "Термизий" тахаллуси билан ижод қилган 40 дан ортиқ шоир яшаб ўтгани маълум. Қадим Чағонийдан етишиб чиққани боис "Чағоний" тахаллусини олган ва илми адабиёт хазинасига ўз хиссаларини қўшган шоир-у, олимлар сони эса ўндан ошади.

Термизийларнинг улуг силсиласи Ҳаким ат-Термизидан бошланади. Бу улуг зотни қўна Шарқда ислом назарисига асос солган олимлар сирасига қўшиш мумкин. Унинг "Илал уш-шариа" ва "Ҳатм ул-авлиё" асарларининг яратилиши ўз давридаги қўлаб мунозарали

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Термиз қўна Шарқдаги энг қадимий шаҳарлардан биридир. Қулай жўғрофий ўрни туғайли Термиз қадимда шарқий гарб, жанубни эса шимол билан боғлаб турувчи савдо марказига айланган. Буюқ Ипак йўлининг муҳим тармоқларидан бири ҳам шу жойдан ўтган.

ТЕРМИЗ ВА ТЕРМИЗИЙЛАР



масалаларга ойдинлик киритди. Ҳаким ат-Термизийнинг шўхрати ва илмий қарашлари шу қадар доғруғ қозонганки, ҳатто олис ўлкаларда яшаб ижод қилаётган исломшунос олимлар ҳам уни ўзларига устоз деб билишган. Тасаввуф илмининг нуқтадон алломаси Баҳроуддин Нақшбанд Ҳаким ат-Термизийга "ўз замонасида бесифат эди", дея таъриф берган. Бу таъриф ислом тамаддуни тарихида санокли алломаларгагина насиб этганини назарда тутган ҳолда, Ҳаким ат-Термизийнинг илм-у, фан оламидаги даражасини тасаввур қилиш қийин эмас.

Термизийларнинг бетакрор силсиласида Имом Термизий номи ила шўхрат қозонган Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг шарафли номи ҳам бор. Бу зотнинг энг машҳур асарлари "Ал-Ҳомеъ ас-саҳиҳ" ҳамда "Алп шамоил ан-Набавий" китобларидир. Адиб Собир Термизий эса ўз замонасининг маҳоратли қалам соҳиби, бекиёс сўз санъаткори эди. Адиб Собир номи Дақиқий ва Фаррухий каби етуқ шоирлар билан бир каторда туради. Негаки, XI асрнинг сўнгги йиллари XII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган Адиб Собир Термизий ўз асарларида фақат муҳаббат-у, садокатни таърифлаш билан чекланмай, оддий халқ ҳаётига мурожаат қилди, замонаси ва замондошларининг камчиликларини гоҳ очик, гоҳ пардаланган тарзда танқид остига олади.

XIV асрга қўлаб-яшнаган Термиз адабиёти ва илм-фан муҳити XV асрда бироз сусайиб қолгандек бўлди. Бироқ, Чингизхон зулмидан қутилган Термиз маданияти XVI асрда бошлаб яна раванқ йўлига кирди. XVI-XIX асрларда "Термизий" тахаллуси билан ижод қилган шоир ва олимларнинг янги бир гуруҳи пайдо бўлди. Улар сирасига Умар ат-Термизий ас-Сўфий,

Мавлоно Кудсий Термизий Махжуб, Хожа Самандар Термизий, Абдуллоҳ Термизий, Тақий Термизийдек беназир зотларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, XVI-XIX асрлар илмий-маърифий ҳаётига Сўфи Оллоёр ва Масихо Бойсуний ҳам ўз улушларини қўшишди.

Дарҳақиқат, бу бағрикенг юртдан етишиб чиққан ва Термиз номини дунёга таратган шоирлар-у, алломалар бир сир. Ўзбек адабиётининг султони Мир Алишер Навоий "Насойимул муҳаббат"да улардан бир нечтаси, жумладан, Муҳаммад ибн Исо Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий, Ҳаким ат-Термизий, Абу Зарр Термизий, Муҳаммад ибн Хомид ат-Термизий ҳақида маълумот берган. Бу улуг зотларнинг ўз даврининг илм ва маърифати, дин ва тарикат муҳитида қандай урин эгаллаганлари борасида сўз юритган.

"Термизда ўқилган бир рақат намоз ўзга юртларда ўқилган етти юз рақат намозга тенг бўлар экан". Юракни тўқинланттирувчи мазкур жумлалар аллома Махмуд ибн Валининг "Сирлар уммони" асарида келтирилган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, Термиз заминидан қўлаб авлиёлар ва табаррук зотларнинг хоклари мангу макон топган.

Алиакбар САЙФИДИНОВ.



Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Мехрибонлик уйларида таълим-тарбия олаётган ўғил-қизларга алоҳида ғамхўрлик қўрсатилаёпти.

Қўқон шаҳридаги 17-Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам ҳукулатимиз, қўлаверса, қўлаб саховатпеша инсонлар, ҳомий ташкилотларнинг юксак эътибори, ғамхўрлиги қўрқовида қамолга етмоқдалар. Масалан, яқинда ҳудуддаги "Су-перфосфат" ҳиссадорлик жамияти Мехри-



бонлик уйининг 9 нафар тарбияланувчисига хатна тўйи қўлиб, уларнинг ҳар бирига банкда ҳисоб рақами очиб берди.

Муассаса раҳбари Дилдорхон Тоғаевнинг таъкидлашича, Мехрибонлик уйида барча шарт-шароитлар яратилган. Дилоромхон Эркабо-

ева, Муборак Ҳайитова ва Дилдора Қодирова сингари педагог-тарбиячилар болаларни ўз фарзандларидек тарбиялашмоқда, таълим беришмоқда.

Суратда: Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ҳар бир кўни тўйдек, байрамдек ўтади.

МУНОСИБ БАҲО

Деҳқонобод тумани марказий шифохонасининг туғруқ бўлимида 35 нафар тиббиёт ходими меҳнат қилади. Улар ҳомиладор аёллар ўртасида турли касалликларнинг олдини олиш, туғруққа тайёрлаш ва соғлом фарзанд туғилиши учун хайрли ишларни амалга оширишмоқда.

Яқинда ушбу бўлим ходимларининг тинимсиз ва самарали меҳнатлари боис уларга 6 ойгача бўлган болаларни фақат она сўти билан боқиб бўйича жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ХОУП компанияси томонидан сертификат берилди. Бу болаларга дўстона муносабатда бўлиши бўйича клиник унвон хисобланади.

Қомил САҲАТОВ, "Адолат" мухбири.

ОМАД ҲАМИША КЕЛАВЕРМАЙДИ

Германия – Туркия терма жамоалари ўртасидаги ярим финал учрашувида "немис машинаси" сўнгги дақиқаларда ғалаба қозонди

Ҳаётда омад деганлари бор гап. Унинг ҳамиша келавермаслиги, кулавермаслиги ҳам ҳақиқат. Ушбу фикрни айтиш пайтида халқ қилувчи паллага кирган футбол бўйича Европа чемпионатида яна бир бор тасдиқдан ўтди. Кетма-кет уч ўйинда энг сўнгги дақиқаларда рақиб жамоалар дарвозасини ишғол этиб, мусобақанинг ярим финалига йўл олган туркиялик футболчилар Германия терма жамоасидан айна шу услубда мағлуб этилди.

Уйин олдидан Туркия терма жамоаси бош мураббийи, таърибли мутахассис Фотих Терим олдига қатор муаммолар пайдо бўлди. Негаки, жамоа асосий таркибининг тўрт нафар аъзоси дисквалификация қилинган ва яна беш нафари турли жароҳатлар туғай-

ли майдонга туша олмади. Заҳира ўринидида эса бор-йўғи уч футболчи бор эди. Бироқ, эътироф этиш лозимки, шу кўни Фотих Теримнинг иккинчи таркиби ҳам Михаэль Баллак, Мирослав Клозе, Йенс Леманн, Бастиан Швайнштайгер, Лукас Подольски сингари Германиялик таникли футболчиларга қарши ажайиб футбол намойиши қилишди. Учрашув бошланиши биланок турклар ўз омадларини рақиб жамоа дарвозаси олдидан қидира бошлашди. Ниҳоят, бундай ҳужумкор футбол ўз самарасини берди. 24-дақиқада Германия терма жамоаси дарвозасига гол киритилди. Яна бир неча вазиятларда эса германиялик посбон Йенс Леманн дарвоза тўсини ва устунлари муқаррар голлардан қутқариб қолди.

Хуллас, аввалги учрашувларда матонатли футбол намойиш қилган туркиялик "чарм тўп" усталарига омад қўлиб бормади. Аксинча, ўйиннинг охириги дақиқаларида, ҳисоб 2:2 бўлиб турган бир пайтда Германия терма жамоаси аъзолари рақиблар дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлишди. Демак, Германия – финалда!

Қани кўраимиз, "немис машинаси", дея эътироф қилинадиган Германия миллий терма жамоасига чемпионат голибини аниқлаб берувчи ўйинда омад қўлиб бокармикан?

Кеча чемпионатнинг иккинчи ярим финал жуфтлигида Россия – Испания миллий терма жамоалари ўзаро баҳс олиб боришди.

Ойбек АБДУЛЛАЕВ.

Яхшилар ёди

МАТОНАТЛИ ОЛИМ, БАҒРИ КЕНГ УСТОЗ ЭДИ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ақл-заковати, одамийлиги, бағрикенглиги, мустақкам иродаси билан кўпчиликнинг хурмат-эътиборига сазовор бўладилар, уларнинг қалбидан бир умрга жўй оладилар. Таниқли файласуф Ҳайдар Пўлатов ҳам ана шундай инсонлардан бири эди.



Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Бегуний номидаги Давлат мукофоти совриндори Ҳайдар Пўлатов юксак инсоний гурурга эга бўлган, кўнгли очик, танити ва олижаноб киши эди. Домла кириб келган жойга ўзи билан ёруғлик, фойз олиб киргандек бўларди. Зарур пайтда ўта жиддий, ўрни келганда эса, ҳушчақчаллики, ҳаётдан завқланиши жуда севадиган инсонлар тоифасидан эди у.

Истиқлолга эришганимиздан кейин мафкура масаласи кун тартибига қўйилди. Ҳайдар Пўлатов 1991 йили "Мулоқот" журналида "Ўзбек мафкураси" номи илмий мақоласини эълон қилганида, "Вожаб, ўзбек мафкураси ҳам бўлиши мумкинми?", дея хайрон бўлганлар ҳам учраганди. Дарҳақиқат, коммунистик мафкура ҳукмронлик қилиб келган яқин ўтмишда миллийлик ҳақида ёзишга ҳамма ҳам журъат эта олмади. Бунга журъат қилганлар эса миллатчиликда айбланар, таъқибга олинар эди. Ўзи-

нинг эркин фикрига эга бўлган, эркин фикрлашни севган кишиларни бениҳоя қадрлаган Ҳайдар ака халқига, Ватанига содиқ олим сифатида ўшандай мураккаб даврда ҳам миллийликни ҳимоя қилишга, миллий гурур, миллий ифтихорни шакллантиришга ўзида куч ва ирода топа олди. Зеро, у: "Миллатимизга мансуб кишилар тақдирини ўз тақдирим тоши билан ўлчайман. Ўзбегим она заминимизнинг қайси бурчагида яшамасин, унинг ғам-ғуссасига ҳам, қувончига ҳам шерикман. Чунки биз шу буюқ миллатнинг, ҳазрати Ўзбекнинг фарзандимиз", дея бежиз ёзмаганми.

Миллий истиқлолни зўр мамнуният, чексиз қувонч билан қутиб олган Ҳайдар Пўлатов: "Она Ватани; қадрдон халқи иқболи ва тақдирига бефарқ бўлишининг, ўз халқи қайгу-алами, орзу-умиди ва қувончига шерик бўлмаслигининг гуноҳи оқларидан ҳам оғирдир", деб ёзган эди "Ўзбек мафкураси" мақоласида. У мустақил Ўзбекистон давлатининг

маънавий асосини белгилаб берувчи миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқишдек улугвор ишга муносиб ҳиссасини қўша олди. Ўзининг "Миллий ўйғонмиш давлати", "Мустақиллик масъулияти", "Маънавий мерос", "Инсонпарварлик", "Ватанпарварлик", "Мустақиллигимиз қадриятлари" каби илмий-оммабоп мақолаларида миллий мафкура ва сиёсатнинг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида тутган ўрнига ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ назарий муаммоларни илмий тарзда ёритиб беришга эришган эди.

"Фалсафа ва гуманизм муаммолари", "Ижтимоий адолат ва инсон омили" каби рисоалари, вафотидан кейин нашр этилган "Мен сизни яхши кўрар эдим, одамлар" мақолалар тўпламида домла инсоннинг жамиятда тутган ўрнига алоҳида эътибор берган. Инсон мавзуси, инсоний жа-

мият қуриш, инсон тарбияси масалалари унинг тадқиқотларида бош масала қилиб қўйилган.

Ҳайдар Пўлатов ҳам ҳуқуқшунос, ҳам файласуф ва тарихчи олим сифатида ўз Ватанининг, ўз миллатининг жонкуяри эди. "Ўзбекнинг иззати, Ўзбекнинг қадр-қиммати, Ўзбекнинг бахти, Ўзбекнинг қалби – Ватандир", деб таъкидлаган эди олим.

Одатда, инсон номини унинг она-Ватан учун қилган хизматлари, фарзандлари, шогирдлари ва яратган асарлари абадийлаштиради. Домланинг фарзандлари ҳам ўз падари бузуқворининг номини ёзозлаб келмоқдалар. Қизи Гулбахор ҳуқуқшунос, ўғиллари Сино ва Науфал республикамиз банк тизимида хизмат қилмоқдалар. Олима, меҳрибон она ва набираларининг бувижониси Муҳаббатхон опа фарзандлари қамолдан қувонади.

Ҳайдар Пўлатов ҳаёт бўлганида бу йил саксон баҳорни қаршилагди. Домланинг ибратлари, сабоқлари уни билган, таниган кишилар дилидан асло ўчмайди. Истиқлол фидойиси Ҳайдар Пўлатов одамлар ёндада гурури баян, ўз миллатининг содиқ фарзанди сифатида яшайди.

Шавкат ЁҚУБОВ.

«ФАРҒОНА НЕФТЬ БАЗАСИ»

УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Барча журналистларни, ноширлар ҳамда матбаачиларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан чин қилган муборакбод этади.

Ўз касбига садоқатли, эл-юрт ишига фидойи Сиз азиз қалам аҳлига мустақкам соғлиқ-саломатлик, ижодий ютуқлар тилаймиз.

Касб байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!



ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz

Бош муҳаррир
Холтўра ШАҲОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибят
— 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Тургунўлат ДАМИНОВ,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Мамаозир ХУЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САЙҲАНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,

Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Жамол АЛШАЕРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Талъат МУРОДОВ.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланиди

• «Адолат»дан кўчириб босиб фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси — 100

Навбатчи муҳаррир — Бегҳуд БОТИРОВ
Навбатчи — Матёқуб НАҒЗИЕВ
Саҳифаловчи — Собиржон ТУНҒАТОВ